# МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИМИЗ— ОКТЯБРЬ БАЙРАМИГА!

*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ № 199 (8689). ● 17 октябрь, 1985 йил ● ПАЙШАНБА ● Баҳоси 3 тийин..

## ПАХТАКОР ВА МЕХАНИЗАТОР ЎРТОҚЛАР

◆ ЙИҒИМ-ТЕРИМДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ, ЯКУНЛОВЧИ БОСҚИЧ БОШЛАНДИ. КАТТА МЕҲНАТЛАР ЭВАЗИГА ЕТИШТИРИЛГАН ҲОСИЛНИНГ БИР ҚИСМИ ҲАЛИ ДАЛАДА, УНИ ЁҒИН-СОЧИНЛИ КУНЛАРГА ҚОЛДИРМАЙ ЙИҒИБ-ТЕРИБ ОЛИШ, МАРРАГА ТЕЗРОҚ ЕТИШ УЧУН БАРЧА ИМКОНИЯТЛАРНИ ИШГА СОЛИНГИЗ.

◆ ҲАР БИР ХУЖАЛИКДА ТЕРИМ ТЕХНИКАСИНИНГ ТЎЛА ҚУВВАТ БИЛАН ИШЛАШИГА ЭРИШАЙЛИК.

ҚЎПМИНГКИЛОГРАММЧИ ТЕРИМЧИЛАР, ҲАШАРЧИЛАР МУСОБАҚАСИНИ АВЖ ОЛДИРАЙЛИК. УЛАРНИНГ КУНДАЛИК НОРМАЛАРИНИ БАЖАРИШЛАРИ ВА ОШИРИБ АДО ЭТИШЛАРИ УЧУН ЗАРУР ШАРТ-ШАРОИТЛАРНИ ЯРАТИБ БЕРАЙЛИК.

◆ БУГУН ҲАММА ПАХТАКОР. ЮРАГИДА ЎТИ, БИЛАГИДА ҚУВВАТИ БОР МЕҲНАТГА ЛАЁҚАТЛИ ҲАР БИР КИШИ УЛКАН ХИРМОННИНГ ТЕЗРОҚ БУНЁД ЭТИЛИШИГА ҲИССА ҚЎШИШИ КЕРАК.

БУТУН КУЧ—ЙИҒИМ-ТЕРИМГА!

## ОБЛАСТЬ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

◆ Ўтган куни областимиз далаларида 2411 та машина ишлади. Тайёрлов пунктларига топширилган пахтамиз 320 минг 745 тоннадан ошиб кетди. Бу ҳосилнинг 232 минг 885 тоннаси машиналарда терилди. Ўтган куни ҳар бир машинада ўртача 2 тоннадан ҳосил йиғиштириб олинди.

◆ Янгийўл ва Пискент районларининг механик-ҳайдовчилари энг юқори кўрсаткичларга эришдилар. Бу районларда ҳар бир машинада ўртача 2,6 ва 2,5 тоннадан пахта терилди.

Шуниси қувончлики, Пискент районида хўжаликлардаги мавжуд машиналарнинг деярли барчаси ишга тушириб юборилди.

Коммунистик районининг механизаторлари ҳам анча яхши кўрсаткичга эришдилар. Бу районда механик-ҳайдовчиларнинг иш унумдорлиги 2,2 тоннаданга тўғри келди.

◆ Лекин Бекобод ва Бўка районларининг механик-ҳайдовчилари суръатни анча пасайтириб юбордилар. Бу районларда ўтган куни ҳар бир машина билан ўртача 1,6, 1,5 тоннадан пахта терилди.

### УНУМДОРЛИГИ ЮҚОРИ БЎЛДИ

◆ БЎКА. Карл Маркс номли колхоз пахтакорлари машина теримига пухта тайёргарлик кўрган эдилар. Улар, айниқса, дефолиацияни ўз вақтида, сифатли ўтказишга катта эътибор бердилар. Шунинг учун ҳам асосий майдонларда барг бир текис тўкилди. Машиналар унумли ишлади. Бу соҳада белгиланган план муваффақиятли бажарилди. Механизаторлар хирмони шу кунгача 2350 тоннадан ортиб кетди.

Авжи йиғим-терим қизғин кунларда далаларда 24 та пахта териш машинаси ишлади. Ҳар бир машина билан шу кунгача ўртача 105 тоннадан пахта терилди. Жуманазар Омонов, Биналн Сейфатов, Дўстмирза Тўлашев, Холназар Узоқов сингари механизаторлар мавсумда 150 тоннадан пахта теришга сўз берган эдилар. Улар бу маррадан ўзиб кетдилар.

### БИРИНЧИ СОРТ ПАХТА КЎПАЙДИ

◆ **БЕКОБОД. «Авангард» совхозининг Ортиқбой Хўжанов бошлиқ 4-бўлими пахтакорлари мусобақада пешқадамлик қилмоқдалар. Улар мавжуд техникадан, ҳаво очиқ келган кунларнинг ҳар дақиқасидан самарали фойдаландилар. Шунинг учун ҳам планни муваффақиятли бажардилар. Давлатга шу кунга қадар 515 тоннадан ортиқ пахта етказиб бердилар. Биринчи сорт пахтанинг салмоғи 82 процентни ташкил этди.**

**Райондаги Ойбек номли совхознинг О. Қурбонова бошлиқ бригадаси деҳқонлари ҳам шу кунларда социалистик мажбурият ҳисобига пахта топширишни қизғин давом эттирмоқдалар. Бригаданинг моҳир механик-ҳайдовчилари Ҳ. Қурбонов, Й. Фозилов ўртоқлар теримда энг юқори кўрсаткичларга эришдилар.**

**Бу бригада деҳқонлари ҳар гектар ердан яна 5 центнердан пахта топшириш учун курашмоқдалар.**

### ВЕТЕРАННИНГ РАПОРТИ

◆ **ЎРТА ЧИРЧИҚ. Мурод ака Қулменов колхоз ишлаб чиқаришининг ветерани, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси. У Куйбишев номли колхозда бир неча йиллардан буён бригадага моҳирлик билан раҳбарлик қилиб келмоқда. У бошлиқ коллектив ҳар йилдагидек бу йил ҳам фидокорона меҳнат қилиб, 70 гектар майдонда мўл ҳосил етиштирди. Йиғим-терим уюшқоқлик билан ўтказилди, ҳозиргача хирмонга 191 тоннадан ортиқ пахта етказиб берилди. Бу—пландагидан анча кўпдир. Шуниси қувончлики, давлатга топширилган пахта асосан биринчи сортларга қабул қилинди.**

**— Бунга осонликча эришмадик, — деди бригадир, — биз ҳар бир тадбирни маромида, ўз вақтида ва сифатли амалга оширишга ҳаракат қилдик. Машиналар оғиримизни енгил қилди. Илғор механик-ҳайдовчимиз Ҳамид Юсупов ҳозиргача 112 тонна пахта териб берди.**

**Ҳали далада ҳосил бор. Деҳқонлар йиғим-теримни қизғин давом эттирмоқдалар. Улар умумий хирмонларини 210 тоннага етказиш мажбуриятини олганлар.**

### «БИТОВИК» СУРЪАТИ

◆ ОҚҚЎРҒОН. Бугун — ҳамма пахтакор. Район далаларида бўлган киши пахтазорлар чинакамига жасорат майдонига айланганлигининг гувоҳи бўлади. Деҳқонлар билан ёнма-ён турли касбдаги ҳашарчилар ҳам самарали меҳнат қилмоқдалар. «Битовик-85» отряди эришаётган натижалар бунга мисолдир. Бу отрядга 48 киши уюшган. Улар ҳар куни 2 тоннадан пахта териб топширмоқдалар. Шу кунгача уйган хирмонлари эса 40 тоннадан ошиб кетди.

Бу отрядда кўпмингкилограммчи теримчилар анчагина. Улар ҳам тез, ҳам сифатли пахта термоқдалар. Н. Ҳафизова, М. Расулматова, Т. Отақулова сингари ўртоқлар намуна бўлмоқдалар. Уларнинг ҳар бири шу кунгача хирмонга 3 тоннадан пахта териб топширди.

«Озод» колхози далаларида ишлаётган «Санэпидстанция» ходимлари ҳам пахтакорларга баракали ёрдам бермоқдалар.

---

**Қишлоқнинг, бутун агросаноат комплексининг меҳнаткашлари! Озиқ-овқат программасини сабот билан бажарингиз, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтирингиз!**

(КПСС Марказий Комитетининг Октябрь Чақириқларидан)

## Ҳашарчиларсиз, ўз кучлари билан

### БЎКА РАЙОНИДАГИ «ОКТЯБРЬ 40 ЙИЛЛИГИ» КОЛХОЗИ ПАХТАКОРЛАРИ ҲАМ МАЖБУРИЯТ ҲИСОБИГА «ОҚ ОЛТИН» ТОПШИРА БОШЛАДИЛАР

Ҳосилни ўз кучимиз билан, ҳашарчиларсиз, асосан машиналар ёрдамида териб оламиз! Йил бошида колхоз деҳқонлари ана шундай ташаббус билан чиққан эдилар. Улар ўз сўзларининг уддасидан чиқиш учун барча имкониятларни сафарбар қилдилар.

Айни йиғим-терим қизғин дамларда терим агрегатлари тўла қувват билан ишлатилди. Уларга техник қаров яхши йўлга қўйилганлиги учун унумдорлиги юқори бўлди. Суръат кундан кунга кўтарилди. Шунинг учун ҳам колхоз деҳқонлари маррага барвақт етиб келдилар. 1050 гектар майдондан 3360 тонна ҳосил йиғиб топширилди, план ортиғи билан бажарилди.

Механизаторлар мусобақасида Сервер Усеинов, Саидҷалол Саидиброҳимов, Ислом Эшматов, Равут Этатов ўртоқлар пешқадамлик қилдилар. Хирмонга 150—200 тоннага етказиб пахта топширдилар. Илғор бригадалар сафи кенгайди.

Пешқадам хўжалик пахтакорлари суръатни бўшаштирмасликка ҳаракат қилмоқдалар. Уларнинг мақсади ҳосилдорликни 38 центнерга етказиб, мажбуриятларини 7 ноябргача бажаришдир.



◆ ЎРТА ЧИРЧИҚ районидаги Охунбобоев номли колхоз деҳқонлари бу йил областда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш планини бажарган эдилар. Улар шу кунларда мажбуриятларини ҳам муваффақиятли адо этиш учун курашмоқдалар. Суратда: (юқоридан пастга) машъал колхознинг илғор бригада бошлиғи Набижон Фозилов. У бошлиқ бригада пахтакорлари ҳосилдорликни 36 центнерга етказишга сўз бердилар.

Моҳир механик-ҳайдовчи Тошпўлат Юнусов хирмонга 100 тоннадан ошириб юқори сортли пахта топширди.

Г. Пун фотолари. (ЎзТАГ).



ҒАЛАБА РАПОРТЛАРИ

## 12 МИНГ ТОННАДАН ОШАДИ

### ҒАЛАБА РАЙОНИДАГИ «ЎЗБЕКИСТОН ССР 5 ЙИЛЛИГИ» СОВХОЗИ ПАХТАКОРЛАРИ МАРРАГА ЕТДИЛАР

СОВХОЗ меҳнаткашлари бу йил ҳар бир агротехник тадбирни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш учун курашдилар. Ишлаб чиқаришга илғор фан ютуқлари, тажрибалар кенг жорий этилди. Энг муҳими чигит экишдан тортиб то ҳосил етилгунга қадар деҳқонлар машина теримини кўзлаб иш олиб бордилар. Натижада эртаги ҳосил етиштирилди.

Дефолиация ҳар бир картанинг, даланинг ҳолатига, ғўзанинг ривожига қараб ўтказилди. Шунинг учун ҳам машиналар учун кенг иш фронти яратилди. Дастлабки кунданоқ механик-ҳайдовчилар мусобақаси кучайтирилди. Ғолибларни моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг турли усулларидан фойдаландилар.

Қишлоқдаги меҳнатга яроқли аҳоли теримга тўла сафарбар этилди. Кўпмингкилограммчи теримчилар ҳаракати кучайтирилди. Шунинг учун ҳам суръат кун сайин кўтарилиб борди. Машиналар теримда ҳал қилувчи роль ўйнади. Совхоз муддатидан илгари планни бажарди. Ҳозирги кунга қадар 3300 гектар майдондан давлатга 10 минг 900 тоннадан ортиқ пахта топширилди. Ҳосилдорлик 33 центнерга тўғри келди. Деярли 95 процент ҳосил машиналарда териб олинди. Ҳосилнинг 80 проценти биринчи сортларга сотилди.

Мўл ҳосил учун курашда совхознинг Ульянов номли, М. Чачи номли 5-бўлим ва 2-бўлим пахтакорлари ўзаро мусобақада айниқса юқори кўрсаткичларга эришдилар. Бошқа бўлимларнинг деҳқонлари ҳам йиғим-теримни ғоятда уюшқоқлик билан ўтказиб планларини анча ошириб бажардилар.

Механик-ҳайдовчилардан С. Шералиев, С. Карачев, Э. Мақсудов, М. Давлатов, А. Кашипов ўртоқлар зиммаларига олган юксак социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажардилар. Бу илғор механик-ҳайдовчиларнинг ҳар бири 120-180 тоннадан пахта териб берди.

Совхоз пахтакорлари йиғим-теримни қизғин давом эттирмоқдалар. Улар ҳосилдорликни 37 центнерга, ялпи хирмонни эса 12 минг 210 тоннага етказиш учун бел боғлаганлар.

---

*КПСС XXVII СЪЕЗДИ ШАРАФИГА—27 ЗАРБДОР ЎН КУНЛИК!*

## ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети районлар, колхозлар ва совхозлар ўртасида пахта териш ва давлат топширишни ташкил этиш юзасидан ўтказилаётган социалистик мусобақанинг 1985 йил 16 октябргача бўлган якунини кўриб чиқдилар.

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи **Пискент районида** (район партия комитетининг секретари Баҳодиров, район ижроия комитетининг раиси Носиров, район агросаноат бирлашмаси советининг раиси Соипов, қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзлари район комитетининг раиси Иномов, район комсомол комитетининиг секретари Туронов, «Райсельхозтехника» бошқарувчиси Нуров ўртоқлар) қолдирилди. Бу район давлатга пахта сотиш йиллик планини 75,10 процент, шу жумладан машина терими планини 75,73 процент бажарган ва октябрь ойининг учинчи беш кунлигида йиллик пахта тайёрлаш планига нисбатан 9,41 процент, шу жумладан машина терими планига нисбатан 9,07 процент ўсишни таъминлади.

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

**Тошкент қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва ирригациялаш инженерлари институтининг Ўрта Чирчиқ районидаги ўқув хўжалигига** (директор вазифасини бажарувчи Ниёзов партия ташкилотининг секретари Оғабеков, касаба союз комитетининг раиси Юсупов, комсомол ташкилотининг секретари Норматов ўртоқлар). Бу ўқув хўжалиги давлатга пахта сотиш йиллик планини 60,67 процент, шу жумладан машина терими планини 62,02 процент бажарган ва октябрь ойининг учинчи беш кунлигида йиллик пахта тайёрлаш планига нисбатан 12,35 процент, шу жумладан машина терими планига нисбатан 11,09 процент ўсишни таъминлаган.

Байроқ Пискент районидаги «КПСС XXVI съезди» совхозидан олиб берилади.

**Янгийўл районидаги Ҳ. Турсунқулов номли колхозга** (раиси Жўраев, партия ташкилотининг секретари Аҳмаджонов, касаба союз комитетининг раиси Назаров, комсомол ташкилотининг секретари Отахонов ўртоқлар). Бу колхоз давлатга пахта сотиш йиллик планини 77,74 процент, шу жумладан машина терими планини 48,13 процент бажарган ва октябрь ойининг учинчи беш кунлигида йиллик планга нисбатан пахта тайёрлашда 10,98 процент, шу жумладан машина терими планига нисбатан 4,52 процент ўсишга эришган.

Байроқ Ғалаба районидаги Киров номли колхоздан олиб берилади.

**Пискент районидаги Калинин номли колхозга** (раиси Ширинов, партия ташкилотининг секретари Ҳайдаров, касаба союз комитетининг раиси Арслонова, комсомол ташкилотининг секретари Отақўзиев ўртоқлар). Бу колхоз давлатга пахта сотиш йиллик планини 67,97 процент, шу жумладан машина терими планини 62,87 процент бажарган ва октябрь ойининг учинчи беш кунлигида йиллик пахта тайёрлаш планига нисбатан 9,47 процент, шу жумладан машина терими планига нисбатан 8,09 процент ўсишни таъминлаган.

Байроқ Ўрта Чирчиқ районидаги Терешкова номли колхоздан олиб берилади.

Область план бўлимига социалистик мусобақа илғорларига сотиш учун Пискент районига, Янгийўл районидаги Ҳ. Турсунқулов номли, Пискент районидаги Калинин номли колхозларга, Ўрта Чирчиқ районидаги ТИИИМСХ ўқув хўжалигига биттадан енгил автомашина ажратиш топширилди.

## ПЕШҚАДАМ БРИГАДА

БЕКОБОД металлургия заводининг Ҳамроқул Эгамбердиев етакчилигидаги бригада коллективи партиямизнинг бўлажак съездини ишлаб чиқаришда муносиб ютуқлар билан нишонлашга астойдил бел боғлаган. Улар якунловчи йил ва умуман беш йиллик маррани барвақт эгаллаш учун умумхалқ ҳаракатига астойдил қўшилишган.

Бригада ўтган тўққиз ойлик план топшириқларини 105 процент қилиб бажарди. Пландан ташқари 2 минг тоннадан ортиқ прокат тайёрланди. Айни пайтда 361 тонна металл, 18 тонна газ, 74 минг киловатт-соат электр энергияси тежаб қолинди. Коллектив съезд шарафига ўтказилаётган ўн кунликларнинг барчасида пешқадамликни қўлдан бермай келаяпти. Эришилаётган муваффақиятларда ишчилардан Зоя Бекирова, Қодир Рустамов, Станислав Майков, Анатолий Умаровларнинг ҳиссаси жуда катта бўлмоқда.

Корхона коллективи меҳнат унумдорлигини бир ярим процент ошириш, хомашё ва материалларни тежаш ҳисобига икки кун ишлаб беришга аҳд қилишган. Шу мақсадда ҳар бир коллективда, ҳар бир иш жойида меҳнат интизомига қатъий эътибор берилмоқда.

Заводда тикланаётган янги қувват—«300» станнинг дастлабки навбати қурилиши жадал олиб борилмоқда. Объектда йил охиригача 1 миллион 120 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиши керак. Бу қувват ишга тушгач заводда яна 150 минг тонна қувур тайёрлаш имкони яратилади.

Э. ХУДОЙБЕРГАНОВ.

## КЕЧАГИ РЕКОРД—БУГУНГИ НОРМА

АНГРЕН кўмир разрези 5-участкасининг Эркин Парпиев мастерлик қилаётган сменаси кончилари кундан кунга ўз кўрсаткичларини яхшилаб бормоқдалар. Бу аҳил коллектив «Кечаги рекорд — бугунги норма» шиори остида иш юритаётгани ҳам бежиз эмас.

Октябрь ойининг дастлабки кунларида кончилар топшириқни бирмунча ортиғи билан адо этиб социалистик мусобақа пешқадамлари сафига чиқиб олган эдилар. Кейинчалик бу смена рекорд натижаларга эриша бошлади. Айрим сменаларда ҳатто 23 минг кубометр тоғ жинслари қазиб чиқарилди. Айниқса, экскаватор машинисти Э. Ҳунаров, унинг ёрдамчилари Б. Мадраимов, ишчи М. Козловлар бошқаларга намуна бўлдилар. Улар нормани 200 процентга адо этганликлари қайд этилди.

А. ХРУСТАЛЕВА.

---

### КПСС ҲУЖЖАТЛАРИ ТЎПЛАМИ

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институти тайёрлаган «КПСС съездлари, конференциялари ва Марказий Комитет пленумларининг резолюция ва қарорлари» тўплами тўққизинчи нашрининг саккизинчи томи босилиб чиқди. Китобга партиянинг 1946 йил февралидан 1955 йил ноябригача бўлган энг муҳим ҳужжатлари киритилган.

Том ҳужжатлари партиянинг ички партиявий демократияни кенгайтириш тўғрисидаги, ўз сафларининг социал составини яхшилаш, ундаги ишчилар қатламини кўпайтириш ҳақидаги ғамхўрлигини кўрсатади. Бу ҳужжатлар партия меҳнаткашларни, айниқса ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашга катта аҳамият берганлигининг далилидир. Томга партиянинг оммавий ахборот ва пропаганда органларига раҳбарлик қилиш, халқ хўжалиги мутахассисларини, педагоглар ва илмий кадрларни тайёрлаш соҳасидаги кўп қиррали фаолиятини очиб берувчи ҳужжатлар киритилган.

Китобни сиёсий адабиёт нашриёти чиқарди.

(ТАСС).

## «ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

### ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 16 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — районлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун —мавсум бошидан буён машинада (планга нисбатан процент ҳисобида).

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Ғалаба | 1,96 | 89,20 | 2,42 | 123,79 |
| Чиноз | 1,62 | 84,25 | 2,17 | 76,14 |
| Янгийўл | 2,36 | 84,22 | 1,78 | 81,85 |
| Оққўрғон | 1,79 | 79,72 | 1,54 | 92,04 |
| Коммунистик | 1,97 | 78,04 | 2,40 | 103,90 |
| Ўрта Чирчиқ | 2,37 | 77,76 | 2,38 | 89,22 |
| Бўка | 2,10 | 77,41 | 2,42 | 88,41 |
| Пискент | 2,80 | 75,10 | 2,47 | 75,73 |
| Бекобод | 2,00 | 62,92 | 1,28 | 48,70 |
| Область бўйича: | 2,09 | 77,85 | 2,06 | 86,25 |

**РЕСПУБЛИКА областларида пахта тайёрлашнинг бориши ҳақида маълумот: (мавсум бошидан буён планга нисбатан процент ҳисобида) Фарғона—84,30; Наманган—78,43; Хоразм—76,32; Бухоро—69,82; Андижон—68,06; Сурхондарё — 66,42; Қорақалпоғистон АССР — 66,16; Навоий — 61,55; Сирдарё—58,41; Самарқанд — 54,65; Жиззах — 53,19; Қашқадарё — 43,27; республика бўйича — 66,00.**

## Газетанинг бугунги сонига хабар қиладилар

### ОЛИМЛАР ВА ЧОРВАДОРЛАР ҲАМКОРЛИГИ

◆ **ТОШКЕНТ политехника институтининг холодильниклар, компрессор машиналари ва қурилмалари кафедраси мудири А. И. Лавочник билан катта ўқитувчи А. Мўминов ҳамкорликда яратган агрегат Коммунистик районидаги «Ленинский путь» колхози сут-товар фермасида монтаж қилинди. Бу агрегат иссиқ ва совуқ сувни аралаштириб беради, сутни эса 6—8 даражага совутади.**

**Янги қурилманинг ишга тушиши билан сутни қайта ишлаш ва сув иситиш учун сарфланадиган энергия анча камайди. Бундан хўжалик 21 минг сўмлик иқтисодий самара олаяпти.**

### 1988 ЙИЛ ҲИСОБИГА

◆ ЧИНОЗДАГИ 2-автобаза ҳайдовчиси Николай Ромашовнинг меҳнат календарида 1988 йил бошланди. У райондаги ташкилотларга зарур халқ хўжалиги юкларини етказиб бермоқда Илғор ҳайдовчи меҳнатда юқори натижаларга эришиш билан бирга ёшларга мураббийлик ҳам қилаяпти. Қисқа давр ичида у Б. Каримов, С. Картошов каби шогирдлар тайёрлади.

Николай Ромашов район Совети депутати сифатида ҳам актив фаолият кўрсатяпти. Сайловчилар наказн билан пахта тозалаш заводига қарашли 140 ўринли болалар боғчаси қурилишини тезлаштиришга катта ёрдам берди.

### ДАЛА ШИЙПОНИДА КОНЦЕРТ

● **ПАРКЕНТ. Энгельс номли совхоз маданият уйида яқиндагина ташкил этилган фольклор ансамбли қатнашчилари ўзларининг рангбаранг концерт программалари билан хўжалик меҳнаткашларини хушнуд этишмоқда. Куни кеча улар Абдукарим Султонов етакчилик қилаётган узумчилик бригадаси дала шийпонида бўлиб, боғбонларга ўз санъатларини намойиш қилдилар. Хадича Отабоева, опа-сингил Арофат ва Шарофат Умаровалар ижро этган қўшиқ ва рақслар кўпчиликка манзур бўлди.**

Х. ИНОЯТОВ.

